

ТАСВИРИЙ САНЪАТДА НАТЮРМОРТ КОМПОЗИЦИЯСИГА ЁРУГЛИК ВА РАНГ УЙГУНЛИГИ

*А.С.Арзиев - Қорақалпоқ давлат университети архитектура
кафедраси катта ўқитувчиси*

*Т.Т.Сарсенбаев - Қорақалпоқ давлат университети архитектура
кафедраси ассистенти*

К.Пийшембаев - Архитектура факультети 3-курс талабаси

Р.Хожаметова - Архитектура факультети 3-курс талабаси

Аннотация

Натюрморт композициясида ёруглик нафакат унинг мазмунини, яхлит асардаги ҳар бир буюмнинг узига хос характерини тулоконли очиб беришга ёрдам беради. Демак, буларнинг барчаси ёш овладнинг тулаконли шакилланишига комил топишида расм чизиш ва тасвирлар билан ишлаш буйича дунёкарашини ижобий томонга узгартиради.

Калит сузлар: Ёруглик, соя, жанр, композиция, очик хаво.

Маълумки XXI аср бошқа даврларга қарағанда ва хусусан ёш овлод таълим тарбиясига, илм фан тараққиётига жиддий эътибор бериладиган замон эшигини ошди. Айниқса, бу борада Ўзбекистонда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” асосида янада маъсулиятли ва кенг кўламли қамровли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Республика олимларининг айнан шу йўналиш соҳасидаги тадқиқотлари жаҳон миқёсида тан олинаётганлиги қувончли ҳолдир.

Ўрта осий халқининг кўп асрлик тарихида халқ амалий тўрлари безак санъати турлари бой ва ранг-баранг маданий меросимизнинг энг ажойб ва оммовий қисмини ташкил этади. Бундай камолот ва тараққиёт босқичлари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, миллий амалий безак санъати турларининг шох илдизлари инсониятнинг болалиги, яъни ибтидоий жамиятга бориб тақалишининг гувоҳи бўламиз.

Замонавий Ўзбекистон тасвирий санъатида инновацион бадиий ғоялар билан уйғун ҳолда ривожланиб бориши, мусаввирлар тафаккурида ҳам янги ўзгаришларни содир этмоқда. Ижодкорлар яратаётган замонавий асарлар ҳаётдан шунчаки кўчирма эмас, балки ўзига хос фалсафий ғояларга йўғрилган ҳолда кузатилмоқда.

Таълим технологиясида асосий эътиборни дастлабки ҳаракат образини шакллантириш методига қаратиш лозим. Чунки, инсоннинг ҳар қандай онгли

равшдаги фаолияти ушбу ҳаракатни бажариш методикаси тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Талабаларни расм чизишга ўргатиш машғулоти натижасида ишлашдан бошланади. Ўқув натижасларини тузишнинг тайёр рецепти ва формуллари йўқ. Натюрморт французча сўз бўлиб, «жонсиз табиат» деган маънони англатади. Бу жанрда асосан мусаввир инсонни ўраб турган атроф муҳитдаги нарсалар, кундалик турмушда қўлланиладиган буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, гуллар, мевалар, қуш ва ҳайвон тулумлари ва бошқаларни тасвирлайди.

Натюрморт санъати ўзининг гўзал ва қадимий тарихига эга. Натюрморт бизни бир неча аср аввалги, ўша давр учун қадрли бўлган буюм ва нарсалар оламига олиб киради. У XVII асрда мустақил жанр сифатида шаклланди. Бунга қадар жонсиз предметлардан тасвирланган асарлар голландча «ҳаракатсиз қўйилма» деб юритилар эди. Натюрморт рассом томонидан саводли ишланиши билан бирга буюмларнинг материаллигини ҳам моҳирона ифода қилган. Композиция қонуниятларига асосланиб тузилган натюрмортда, ўша муҳитнинг ўзига хос нарса ва буюмлари малакали рассом томонидан ўзгаша услубда жонли тасвирланади.

Ёруғликни тўғри танлаш рассом олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Натюрмортлардан турли шаройтларда кучсиз ёруғлик, қўйилмага қаратилган шуълада хона ичида, устохонада, очиқ ҳавода, соя ва қуёшда тасвирлаш мумкин. Шунинг учун рассомлар қўйилган натюрморт жозибали ва мазмунли кўриниши учун ёруғликни қандай тушириш устида изланадилар. Натюрморт қўйилмасини чиройли тузишда нафақат буюмлар ва матоларни тўғри танлаш, балки ёруғликни моҳирона қўя билиш ҳам зарур. Энг асосийси-қўйилмада ранглар гармонияси, гўзаллик, нафис образли асар жонлансин. Ёруғлик, рангтасвирдаги ранг каби композициянинг муҳим элементиدير. Натурага тушаётган ёруғлик натюрмортдаги асосий композицион марказни бўрттириб, ёруғликдан ҳосил бўлган соялар эса, аксинча иккинчи даражали нарсаларни ва кескин бўёқлар кучини юмшатади. Асардаги композицион марказни ранг ва тус орқали ҳам ажратиш мумкин. Рассом аввало ўткир нигоҳини композиция марказидаги буюмларга қаратади, сўнгра асосийга нисбатан бироз кучсиз қарама- қарши нарсаларни ёза бошлайди. XVI--XVII асрларда голландия санъатида натюрморт жанри энг юқари поғонага кутарилди. Бу даврнинг ёркин намоёндалари каторига Питер Клас, Виллем Геда, Франс Снейдерс ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Таниқли ижодкорларнинг асарлари кучли қаламтасвир ва жозибали рангларда моҳирона ўзига хос реалистик услубда нарса ва буюмларни материаллиги ва фактурасини осон ҳал этиш орқали атроф-муҳит гўзаллиги ва уйғунлигини яхлит тасвирлай олган. Голландиялик

мусаввирларнинг сеvimли мавзулари «нонушта» яъни турли антика сопол ва шиша идишлар, қуш ва балиқлар, яхна гўшт бўлаги ва мевалардир. Натюрморт қўйилмаси рангли фонда ниҳоятда моҳирона ва нафис қўйилганлиги билан санъат ихлосмандларини ўзига мафтун этади. Рассомлар бу каби натюрмортларни хона ичида ён томондан тушаётган кундузги ёруғликдан самарали фойдаланиб жонли ва жозибали бетакрор асарларни маромига етказиб тасвирланган. Қўйилмадаги шаклларга устма-уст суяқ бўёқлар билан ишлов бериш орқали натюрмортни етук санъат асарига етказа олганлар. Бетараф фон ҳамоҳанглигида турли шиша, метал, сопол каби идишлар ранг- баранг мевалар салобатли матолар билан янада рангдор ва жозибали кўринади.

Хонанинг одатдаги ёруғлиги Геда, Снейдерсларнинг натюрмортларига совуқ ёруғлик ва юмшоқ иссиқ соя, нозик яримсоя ҳамда ўзига хос шуълаларни тақдим этади. Рассомлар тасвирлашда энгзарур нарсаларни, композиция мувозанатни сақлаш учун қўйилажак буюмларга алоҳида аҳамият берганлар.



Асар устида ишлай бориб, буюмларга тушаётган ёруғликни, буюмнинг шахсий ва тушаётган сояларини нозик ва моҳирона тасвирлайдилар. Тасвирланган гўзал ва бетакрор натюрмортларга ҳавас билан қараб, голланд рассомларининг ўткир нигоҳи ва моҳирлигидан ҳар қандай киши ҳайратга тушади. Рассомлар натюрморт композицияларини турлича ҳал этиб, баъзан очик ҳавода ҳам ишлашни маъқул кўрадилар. Қўйилмадаги ранглар очик ҳавода

ниҳоятда жозибали товланиб, сояда мовий осмондан зангори, қуёш нуридан эса иссиқ шуълалар тушиб яратилаётган асар кишини ўзига мафтун этади. Ёруғлик ва ҳаво рассом палитрасини сийпалаб, бўёқларни янада бор жарангдорлигида кўрсатишга ҳаракат қилади.

Шундай қилиб, натюрморт композициясида ёруғлик нафақат унинг мазмунини балки яхлит асардаги ҳар- бир буюмнинг ўзига хос характери тўлоқонли очиб беришга ёрдам беради. Буюк италян рассоми Леонардо до Винчи "Агар сен шоир бўлиб шаклларни пайдо булишини сўзлаб ёза олсан, рассом эса ёруғликка шукрона айтиб шаклларга бўёқлар орқали жон бағишлайди"- деб бежиз айтмаган.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти қомрови ниҳоятда кен, мазмунан чуқур, шаклан хилма- хилдир. Маънавий ҳаёт инсон ақл- идроки ва тафаккурининг барча маҳсуллари жамият томонидан тўпланган маданий бойликларида ифодаланган ютуқларини, ижтимоий онг шаклларини, кишиларнинг ғояларини, тасаввурлари, дунёқараши, одоб-ахлоқи бутун оламни қамраб олади. Демак, буларнинг барчаси ёш авлоднинг тўлақонли шаклланиши ва такомил топишида расм чизиш ва тасвирлар билан ишлаш ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган таълим-тарбия йўналишларидан бири эканлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдурахманов Ғ.М. «Композиция асослари». Т.:--2009.
2. Бойметов Б. «Қаламтасвир». Т. Муסיқа.- 2006.
3. Толипов Н. Абдирасилов С. Орипова Н. «Рангтасвир». Т. Муסיқа. 2006.
4. Толипов Н. Имамова С. Республика илмий- амалий анжумани материаллари. 2015.